

“Гидропроект” АЖ акциядорлари  
умумий йиғилишининг  
2025 йил “5” мартдаги  
1-сонли баённомасининг  
2 - иловаси билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“ГИДРОПРОЕКТ”**  
**акциядорлик жамияти**  
**УСТАВИ**  
(янги тахрирда)

## МУНДАРИЖА

I.	УМУМИЙ ҚОНДАЛАР .....	3
II.	ЖАМИЯТНИНГ ХУКУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ .....	3
III.	ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ .....	5
IV.	ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ (УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ) МИҚДОРИ .....	5
V.	ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ .....	6
VI.	ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КАМАЙТИРИШ .....	7
VII.	ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ .....	7
VIII.	ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ .....	8
IX.	ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ .....	8
a)	Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши .....	8
b)	Жамият курагув кенгаши .....	12
c)	Жамиятнинг ижроия органи (директор) .....	
X.	ЖАМИЯТНИНГ МОЛЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ .....	
XI.	ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР .....	19

## I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (бундан кейинги матнда "Қонун" деб аталувчи) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида шиллаб чиқилган.

2. Бундан буён матнда "Жамият" деб аталувчи "ГИДРОПРОЕКТ" акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг 1995 йил 28 июндаги 328пп-р – сонли "Тошгидропроект" давлат корхонасини акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги қарорига асосан ташкил этилган ва Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Хокимияти томонидан 1995 йил 20 сентябрда очик акциядорлик жамияти шаклида 1525-сонли реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Жамият Қонунга асосан Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекцияси томонидан 1998 йилнинг 30 декабрида акциядорлик жамияти шаклида 1778-сонли реестр тартиб рақами билан қайта давлат рўйхатидан ўтказилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПФ-5044-сонли "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва 2017 йил 18 майдаги ПК-2972-сонли "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти ташкил этилиши муносабати билан "ГИДРОПРОЕКТ" акциядорлик жамияти "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти тизимига киритилган.

4. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

5. Жамиятнинг тўлик фирма номи:

Ўзбек тилида лотин алифбосида "GIDROPROEKT" aksiyadorlik jamiyati;

Ўзбек тилида кирил алифбосида – "ГИДРОПРОЕКТ" акциядорлик жамияти;

рус тилида - Акционерное общество «ГИДРОПРОЕКТ»;

инглиз тилида - Joint-Stock Company "GIDROPROEKT";

Жамиятнинг кескартирилган номи:

Ўзбек тилида лотин алифбосида – "GIDROPROEKT" AJ;

Ўзбек тилида кирил алифбосида – "ГИДРОПРОЕКТ" АЖ;

рус тилида - АО «ГИДРОПРОЕКТ»;

инглиз тилида - JSC "GIDROPROEKT".

6. Жамиятнинг жойлашган ери, юридик ва почта манзили:

**Юридик манзили:** 100100, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 20 уй.

**Жойлашган ери ва почта манзили:** 100100, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 20 уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@gidroproekt.uz](mailto:info@gidroproekt.uz)

Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.gidroproekt.uz](http://www.gidroproekt.uz)

### II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

7. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади. Ўз номидан мулкни ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олишни ҳамда амалга оширишни, зиммасига мажбуриятлар олишни, судда даъвогар ва жавобгар бўлишни мумкин.

8. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

9. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очинишига ҳақлидир.



10. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалок муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзida фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

11. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

12. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

13. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

14. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

15. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

16. Агар жамиятнинг тўловга қобилиятсизлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг гайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мажбур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставда бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

17. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган дефто ҳисобланади.

18. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

19. Жамиятнинг мол – мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол – мулклардан ташкил топади.

20. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс ҳуқуқини олган шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

21. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

22. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шўъба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очилиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шўъба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очилиши, ушбу шўъба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

23. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, улар Жамиятнинг қузатув кенгаши тасдиқлаган Низомлар асосида иш кўради.

24. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

25. Жамият чекланмаган муддатга тузилган.



### III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДИ

26. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молия - хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

27. Жамиятнинг асосий фаолияти юқори хавфли объектлар ва потенциал хавфли саноат тармоқларида лойиҳа-кидирув ва тажриба-лаборатор ишларини комплекс амалга ошириш ҳисобланади.

28. Ўз фаолиятининг мақсадларига эришиш учун жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- қурилиш жараёнида инжиниринг;
- қурилиш лойиҳаларини экспертизасини ўтказиш;
- катта, ўрта ва кичик гидроэлектростанцияларини, сугориш ва сув билан таъминлаш комплекс гидроузелларини, бошқа гидротехник ускуналарини (сувбосимли, сув ўтказувчи, тартибга солувчи ва бошқалар) ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қайта таъмирлаш ва модернизация қилиш;

- ёнгиндан сақлаш автоматика воситаларни, қўриқлаш, ёнгин ва ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияларни лойиҳалаштириш, таъмирлаш, ишга тушириш, созлаш, техник хизмат кўрсатиш;

- кўприкларни ва тоннелларни лойиҳалаштириш;
- қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш пудрал ишларини амалга ошириш;
- муҳандислик кидирув ишлари;
- сув оқимидан комплекс фойдаланиш схемасини, техник иқтисодий ҳисоб-китоблар ва исботларни, ишчи ҳужжатлари лойиҳасини, шунингдек тендер ҳужжатларини, конструкция ва ишоотлар модел ва натура ҳолатларида текширишни ишлаб чиқиш, натура ҳолатда кузатиш ишлари;

- гидроэнергетика ва гидротехника ишоотларини лойиҳалашда Кўп ўзгарувчан моделлаштириш (ВІМ) - технологиясини жорий этиш, ВІМни жорий этиш учун дастурий таъминот ва аппаратни сотиб олиш, ВІМни ахборот технологияси инфратузилмаси учун дастурий-аппарат компонентларига техник талабларга мувофиқ ускуналар харид қилиш (жорий фаолият турига кирди);

- маслаҳат ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш;
- аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш;
- тижорат ва воситачилик фаолияти;
- ташқи иқтисодий фаолият;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

29. Жамият махсус руҳсатнома (лицензия) талаб қиладиган фаолият турини амалга ошириш учун тегишли махсус руҳсатнома (лицензия) олинганидан сўнг ушбу фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

### IV. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ

30. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

40. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори **2 769 697 200** (икки миллиард етти юз олтинчи тўққиз миллион олти юз тўқсон етти минг икки юз) сўмни ташкил қилиб, у хар бирининг номинал қиймати **1 450** (бир минг тўрт юз элик) сўм бўлган **1 910 136** (бир миллион тўққиз юз ўн минг бир юз ўттиз олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

41. Жамиятнинг устав капитали жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

42. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал



киймати жамият устав капиталининг 20 (йигирма) фоиздан ошмаслиги керак.

43. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал киймати 1450 сўм бўлган 200 000 000 (икки юз миллион) донга эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

#### **V. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КўПАЙТИРИШ**

44. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

45. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

46. Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий киймати, сони, тури, номинал киймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

47. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпик обуна усуллари билан жойлаштирилади.

48. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

49. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

50. Жамиятнинг устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, аynи ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал кийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

51. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланидиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

52. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

53. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

54. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор кийматида, лекин номинал кийматидан кам бўлмаган кийматда жойлаштирилади.

55. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.



56. Жамиятнинг устав капитални кўпайтириладиганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитални ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

57. Солиққа оид ёки давлат олдидagi бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталдаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий қўнчилик овози билан қабул қилинади.

## **VI. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КАМАЙТИРИШ**

58. Жамиятнинг устав фонди капитални акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

59. Агар устав капитални камайтириш натижасида унинг миқдори қонуни ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капитални камайтиришга ҳақли эмас.

60. Жамиятнинг устав капитални камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

61. Жамиятнинг устав капитални камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

62. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади.

Акцияларга эгаллик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан қўчирма билан тасдиқланади.

63. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулкларни тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсими амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

64. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

65. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг буниги учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

66. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

67. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.



Имтиёзли акция ўз эгасига ҳар йили бир донга акция номинал қийматининг 20 фоизи миқдорига биринчи навбатда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

68. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтинчи кундан кеч бўлмаслиги лозим.

69. Жамият корпоратив облигацияларини ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

70. Жамият томонидан корпоратив облигациялари чиқарилган тақдирда улар жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

72. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

73. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

74. Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

## **VIII. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ**

75. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан ташкил этиладиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни, шу жумладан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этади.

76. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

77. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдалан 5 фоиз миқдорига ажратмалар ўтказали.

78. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдалан мажбурий ажратмалардан тикланади.

79. Жамиятнинг захира фондидан ташқари бошқа фондлар, кузатув кенгашининг тақлифига асосан акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан ташкил этилади ҳамда ушбу фондларнинг маблағларини шакллантириш ва фондларнинг маблағларини ишлатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган илҳомга мувофиқ амалга оширилади.

## **IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

80. Жамият бошқарув органи қуйидагилар:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (яккабошчилик асосидаги ижроия органи - директордир).

**Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши**

81. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.



82. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугагандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

83. Акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув тўғрисидаги, Жамият директори билан тузилган меҳнат шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш масалалари ва жамият йиллик ҳисоботи, жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора – тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

84. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

85. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш саваси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

86. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамият янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация пулларини тўлаш тартибини ва (ёки) миқдорини белгилаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, жамият ижроия органини тузиш, Жамият директорининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи низомни тасдиқлаш;

Жамият директорини сайлаш (тайинлаш, ёллаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Бунда Жамият директорини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида (тегишли органларнинг розилиги асосида) қабул қилинади;

Жамиятнинг молиявий йил якуни бўйича соф фойладан тўланадиган рағбатлантирувчи тўловлар миқдорларини белгилаш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатта ва узок муддатта ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акциядорнинг жамият акциялари ёки бошқа қимматли қоғозларини сотиб олишга доир имтиёзди ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Қонуннинг 8 - бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эзлик фойзидан ортингини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

Қонуннинг 9 – бобига асосан жамиятнинг аффилиланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тонфаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;



Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошқор қилиш шаклини тасдиқлаш;

Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш, жумладан бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги ниҳомларини тасдиқлаш;

ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини Кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

мустакил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлар қўмитасини сақлаш қаражатини қоплаш (миноритар акциядорлар қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва ёриқ битимларни мустакил амалга ошириш учун жамиятнинг жорий ҳўжалик фаолияти бўлган йўналишларни (фаолият турларини, битимларни предметларини) белгилаш (рўйхатини тасдиқлаш);

қонунчиликда ва мазкур уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш;

87. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

88. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (неми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилди.

89. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал этиш учун жамиятнинг кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас, амалдаги қонунчилик ва ушбу уставда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

90. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

91. Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи, тўртинчи, олтинчи ва ўн тўртинчи хатбошиларида, 84-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида ҳамда 88-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (мажоритар кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

92. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек қун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

93. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар,



шунингдек овоз бериш яқунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу Уставада назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

94. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш кун олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

95. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан қамда йиғирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталда, Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

96. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган саво уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ун) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

97. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзоллигига уларнинг номзодлиги (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 60 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

98. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг қамда беш фоизга эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

99. Жамият овоз берувчи акцияларининг қамда 5 фоизга эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаби тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичида Жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

100. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг қамда 50 фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилишини ўтказиш санади эълон қилинади. Акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган тақрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг қамда 40 фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

101. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санади 20 кундан кам муддатта қўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

102. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмай 2 нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш қотиби томонидан имзоланади.

103. Жамият акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Жамият ижроия органи аъзолари Жамият ижроия органини сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

104. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив



ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли коғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

105. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

106. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асосиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

107. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низоми билан тартибга солинади.

#### **Жамият кузатув кенгаши**

108. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

109. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора – тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириб, қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг қун тартибини тайёрлаш (белгилаш);

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг устав фонди миқдорини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан қўпайтириш ва Жамият уставини қўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълоқ қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;

акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли коғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли коғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Жамиятнинг йиллик бизнес – режасини тасдиқлаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес – режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш лозим;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш, шунингдек жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли коғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамият харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш);

жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича ўринбосари ва лойиҳа офисининг харажатлар сметасини тасдиқлаш;

жамият ижро органига тўланадиган ҳақ ва муқофот миқдорини белгилаш, бунда бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаган ёки самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари



“паст” ёки “коникарсиз” деб баҳоланган тақдирда ижро органи томонидан ўтган ҳисобот йилида тўланган мукофотни тўлик Жамиятга қайтариш масаласини кўриб чиқиш;

жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижро органи раҳбарига хусусийлаштириш жараёнларини, шу жумладан акцияларни оммавий жойлаштиришни (ПРО) сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот ёки амалга оширмаганлик учун жавобгарлик чоралари белгилаш;

жамият асосий фаолиятига ҳоё бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидagi улушини сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корxonалар ва уларнинг таркибидаги корxonалар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдидан кўриб чиқиш;

жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби кузасидан тавсиялар бериш;

Қонуннинг 8 - бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан элик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин);

қонуничликда назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан (дивиденд тўлаш фондидан ташқари) фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиб ва тугатиш, шунингдек жамият филиаллари ва ваколатхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе корxonаларини ташкил этиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

жамиятнинг раҳбар лавозимларига ўтказиладиган танлов регламентини тасдиқлаш, ижро органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари лавозимларига танлов эълон қилиш ва ўтказиш;

жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкиллаштириш, баҳолаш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш;

ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини, шунингдек заруриятга кўра бошқа қўмиталарни ташкил қилиш;

ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;



жамиятни яшил иктисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштириш;

жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташки қарларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш;

ушбу устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

110. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

111. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби 5 (беш) кишидан иборат.

112. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

113. Кузатув кенгаши аъзолари сайловни кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

114. Жамият ижроия органи аъзолари Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

115. Жамият директори, Жамиятда, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

116. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

117. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

118. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

119. Жамият Кузатув кенгаши раиси ҳозир бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.

120. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камда бир марта чақирилади. Бундан ташқари, Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари Кузатув кенгаш раисининг ташаббуси билан ёки қўйидагилар талабига кўра чақирилади:

- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
- Жамият Ижроия органи;
- Ички аудит хизмати бошлигининг;
- Жамиятнинг 1 (бир) фонддан кам бўлмаган оддий акциялари эгиларининг;
- Қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

121. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фонзини ташкил қилади.

122. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Мазкур Уставнинг “54”, “73”, ва “75” – бандлари кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан (яқдиллик билан) қабул қилинади.



123. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

124. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

125. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

126. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

127. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

128. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган кунни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган кунни топширилади.

129. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўлаиши ва Кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланган бўлади.

130. Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

131. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

132. Жамият Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, Жамият директорининг, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиши мумкин.

133. Кузатув кенгаши мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низоми асосида иш олиб боради.

#### **Жамият ижроия органи**

134. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати яқка тартибдаги ижроия орган –директори томонидан амалга оширилади. Ижроия органи фаолиятига Жамият директорини раҳбарлик қилади.

135. Жамият Бosh директорини яқка тартибдаги ижроия орган асосидаги ижро этувчи орган ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

136. Директор томонидан ушбу устав ва меҳнат шартномаси шартлари қўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсаткичларини бажарилиши бузилган ҳолларда ва уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарарлари сабабли улар билан тузилган шартнома Жамият Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

137. Жамият директорини ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини



акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

138. Жамият директори акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

Жамият директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

139. Жамият ижро органининг раҳбари (директор)ни тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, янгича фикрлайдиган, сиёсий ва маънавий етук, ахлоқан пок, давлат сиёсатини яхши тушунадиган, давлат тилини билладиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов (тегишли органлар розилиги) асосида қабул қилинади.

140. Жамият директори Жамият акциядорлар умумий йиғилиш қарори билан уч йиллик муддатга сайланади (тайинланади). Бунда, директор сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ директор бўлиши мумкин эмас.

141. Директор билан меҳнат шартномаларни Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси ёки Жамият Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

142. Жамият ходимлари мазкур уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият директори билан меҳнат шартномасини тузадилар.

143. Жамият директорига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак. Тузиладиган шартноманинг шартлари Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

144. Жамиятнинг директори вазифасини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

145. Жамият директори билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилсин керак.

146. Жамият директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

147. Жамият директори ҳузурдаги ижроия органининг мажлиси зарур ҳолларда ўтказилади.

148. Жамият директори мажлисида қарорлар директор буйруғи асосида қабул қилинади.

**149. Жамият директорининг ваколатларига қўйиладиган қиради:**

➤ мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

➤ акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

➤ Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

➤ Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

➤ Кузатув кенгашининг розилигига қўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

➤ Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини белгилаш;



➤ Жамият номидан битимлар тузиш, Жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти ва филиаллари ёки ваколатхонаси раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

➤ филиал ва шўъба хўжалик жамияти фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес-режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;

➤ Жамият филиаллари ва шўъба хўжалик жамиятларининг штат жадвалларини тасдиқлаш;

➤ ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

➤ Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

➤ ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол – мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;

➤ ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Жамият соф активларининг 15 фоизигача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимлар) тузиш;

➤ Жамият шўъба хўжалик жамиятлари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

➤ Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

➤ банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия хужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

➤ ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият миқозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолаш ва битимлар тузиш, корхона ходимлари билан уларнинг моддий ва ижтимоий ахволидан келиб чиқиб қарз бериш шартномаларини тузиш ва тасдиқлаш;

➤ Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

➤ Жамият директори қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **150. Жамият директорининг мажбуриятлари:**

➤ Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

➤ Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

➤ Жамиятнинг таркибий бўлиналарининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

➤ Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

➤ ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

➤ Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

➤ қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

➤ Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;



➤ хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

➤ Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

➤ Жамият директори қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин;

➤ директорнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун директор қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда субсидиар жавобгар бўлади.

Жамиятнинг ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда Жамият директорининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, Жамиятнинг кредиторлар олдидagi қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

#### **151. Жамият директорининг ҳуқуқлари:**

➤ Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

➤ уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

➤ Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

➤ Жамият директори, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

152. Жамият директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

153. Жамият директори қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдидан жавобгардир.

154. Жамият ижро органи мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ижроия органи тўғрисида"ги Низом асосида иш олиб боради.

### **X. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

155. Жамият активларининг баъанс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан ошса Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

156. Жамият томонидан Ички аудит хизмати жорий этилади.

157. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонунчилик ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминлашишни, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қондалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

158. Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

159. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга ва жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган "Ички аудит хизмати тўғрисида"ги низомга асосан амалга



оширади.

160. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

161. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

162. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ҳудуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

163. Миноритар акциядорлари ваколатига қуйидагилар қиради:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

- миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муурожаатларини кўриб чиқиш;

- қимматли қогозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида муурожаатлар киритиш;

- қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

164. Миноритар акциядорлар қўмитаси бошқарувида кузатув кенгаши ва ижроия органи аралашинишга ҳақли эмас.

## XI. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

165. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йули билан амалдаги Қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Уставга асосан ҳал қилинади.

166. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йули билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

167. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади ва шу вақтдан бошлаб қучга қиради.

168. Агар мазкур Уставни бирон бир қондаси ўз қучини йўқотган бўлса, бу қонда бошқа қондаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

169. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қондалари қўлланилади.

180. Мазкур уставда тартибга солилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

“GIDROPROEKT” АЖ  
директори



Р.А. Паратов